

Вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Париж-2024 Олимпиадасига олиб борилаётган тайёргарлик мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида иштирок этди

Жорий йилнинг 3 июль куни Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Париж-2024 ёзги Олимпия ўйинларининг тайёргарлик циклини юқори нотада ўтказиб, делегациямиз ҳисобига энг кўп – 13 та йўлланма тақдим қилди. Шубҳасиз, бу ўзбек дзюдоси учун тарихий натижа. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида терма жамоанинг эришган ушбу натижаси ва 4-йилликнинг энг нуфузли мусобақасига олиб борилаётган тайёргарлик мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.



Тадбирда Спорт вазирининг ўринбосари Шаҳрулло Маҳмудов, МОҚ Бош котиби Ойбек Касимов, Қўмита раиси ўринбосари, мамлакат дзюдо федерацияси раҳбари Азизжон Камилов, МОҚ раиси ўринбосари-вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов, Илиас Илиадис бошчилигидаги терма жамоа мураббийлар штаби ва спортчилар, ОАВ вакиллари қатнашишди.



Даставвал, Азизжон Якубжанович терма жамоамизнинг бугунги кунда олиб бораётган тайёргарлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Хусусан, Диёра Келдиёрова ва бир нечта қизларимиз айти пайтда Японияда машг'улот олиб боришмоқда. 14-июль куни терма жамоа тўлиқ таркибда сўнгги йиг'инни ўтказиш учун Францияга ё'л олади. Шунингдек, А.Камилов бўлажак Олимпиадада дзюдо жамоамиз делегациямизга энг кўп медаль тақдим этишни мақсад қилганини қўшимча қилди.



Ўз ўрнида, Шаҳрулло Шарипович терма жамоамизнинг тайёргарлик жараёни давлатимиз томонидан тўла қўллаб-қувватлашини ма'лум қилди. Ойбек Омилович ҳамда Шерзод Рихсибаевич бу гал ҳам дзюдочиларимиз ёқимли анъанани давом эттирган ҳолда ўз медаллари билан делегациямизнинг муваффақиятига ҳисса қўшишларини тилашди.

Шунингдек, спортчиларимиз мухлисларга узоқ кутилган олтин медални қўлга киритиб, ўзбек дзюдосида янги саҳифа очиш учун бор имкониятларини ишга солишларини ма'лум қилишди. Анжуман давомида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга атрофлича жавоб олишди.